«FINANCE AUDIT» MCHJ auditorlik tashkiloti

O'zbekiston Respublikasi Andijon shahri, Навоий шохкучаси 35 уй, h/r: 20208000800276242001, ТИФ Миллий банк Тошкент бош офиси, MFO: 00450, INN:302754484, тел: (90) 254-16-20 , email: financeaudit2019@mail.ru
Молия вазирлиги томонидан 01.04.2019 й №00754 сонли лицензия эгаси

МУСТАКИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

2024 йил 11 март

"Андижондонмахсулот" АЖ
Раҳбариятига

"Андижондонмахсулот" АЖ Ўзбекистон Республикаси Андижон вилояти, Андижон шахри Чинобод кўчаси 21 уй. АТБ "Агробанк" Андижон бўлими, МФО 00077, х/р: 20208000400201569001 СТИР: 200230721.

Биз **"Андижондонмахсулот" АЖ** нинг 2023 йил 31 декабр ҳолатига бўлган бухгалтерия балансидан, кўрсатилган санада тугаган давр мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботдан, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик. Молиявий ҳисоботлар **"Андижондонмахсулот" АЖ** раҳбарияти томонидан БХМС ва Бухгалтерия хисоби тугрисидаги конунга асосан тайёрланган .

Корхона раҳбариятининг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги

Корхона раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни БХМС ва бухгалтерия хисоби тугрисидаги конунга мувофиқ тайёрлаш, шунингдек Корхона раҳбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай рискларни баҳолашда, тадбиркорлик субъекти ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

Фикр

Бизнинг фикримизча, **"Андижондонмахсулот" АЖ**нинг 2023 йил 31 декабр ҳолати учун молиявий ҳисоботлари барча муҳим жиҳатларда БХМС ва бухгалтерия хисоби тугрисидаги конунга мувофиқ тайёрланган.

МЧЖ "FINANCE AUDIT"
аудиторлик ташкилоти аудитори: **У.Рахмонова**